

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОЯ: КЕЧА ВА БУГУН

А. Паттаев,  
Студент  
Абдуллаева Г  
докторант  
Андижон кишлок хўжалиги ва  
агротехнологияр институти

*Аннотатсия:* Ушбу мақолада соянинг хусусиятлари, таркиби ва касалликларини даволашда афзалликлари. Бу ўсимликнинг юртимизда етиштиришнинг ривожланиши ва ҳозирги кундаги ҳолати тахлили. Дунё миқёсида соя етиштириш бўйича давлатлар ўртасида мамлакатимизнинг ўрни бўйича маълумотлар келтирилган.

*Калит сўз:* Соя, хосилдорлик, соя етиштириш, Хосилдор”, “Устоз”, “Парвоз”, “Тўмарис-М60”

## СОЯ В УЗБЕКИСТАНЕ: ВЧЕРА И СЕГОДНЯ

А. Паттаев,  
Студент  
Абдуллаева Г  
Аспирант Фонда  
Андижанское сельское хозяйство и  
агротехнологический институт

*Аннотация:* В данной статье рассмотрены характеристики, состав и преимущества сои при лечении заболеваний. Анализ развития и современного состояния выращивания этого растения в нашей стране. Представлена информация о месте нашей страны среди стран выращивания сои в мире.

*Ключевые слова:* Соя, урожайность, выращивание сои, Урожайность, Устоз, Полет, Томарис-М60.

## SOYBEANS IN UZBEKISTAN: YESTERDAY AND TODAY

A. Pattaev,  
Student  
Abdullaeva G  
Foundation graduate student  
Andijan agriculture and  
agrotechnological institute

*Abstract:* This article discusses the characteristics, composition and benefits of soy in the treatment of diseases. Analysis of the development and current state of

cultivation of this plant in our country. Information is provided on our country's place among soybean growing countries in the world.

Key words: Soybean, productivity, soybean cultivation, Productivity, Ustosis, Flight, Tomaris-M60.

Соёа Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёда озик-овқат сифатида 5000 йилдан ортиқ вақт давомида қўлланилади. Эпидемиологик тадқиқотлар унинг кўплаб касалликларнинг олдини олишда муҳимлигини кўрсатади. Сўнгги пайтларда истеъмолчиларнинг соёа ва соёа маҳсулотларининг соғлиқ учун фойдаларига қизиқишнинг ортиши нафақат унинг юқори протеин (38%) ва юқори ёғ (18%) миқдори, балки физиологик фойдали фитокимёвий моддалар мавжудлиги билан ҳам боғлиқ. Сўнгги бир неча йиллик клиник ва илмий далиллар соёа компонентларининг метаболик касалликларга (юрак-қон томир касалликлари, диабет ва семизлик ва бошқалар), шунингдек, бошқа сурункали касалликларга (саратон, остеопороз, менопауза синдроми ва анемия ва бошқалар) қарши шифобахш афзалликларини аниқлади.

Илк бор Ўзбекистонда соёа етиштириш тўғрисида маълумотлар 1960-70 йилларга тўғри келади, аммо у даврда соёа экин сифатида кенг тарқалмаган эди. Ўзбекистонда соёа етиштириш тарихи қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар ва янги маҳсулотларни жорий этиш жараёни билан узвий боғлиқ. Соёани Ўзбекистонга жорий қилиш дастлаб қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқотлари орқали ўтказилган. Илмий институтлар ва тадқиқот марказлари соёа ўсимлигининг иқлим шароитларига мослашиши ва ҳосилдорлик хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланган. Бугунги кунда соёа асосий экинлардан бири сифатида тан олинган.

Дастлабки йиллари соёа асосан жойлашган ҳудудлардаги тупроқ ва иқлим шароитларига мувофиқ етиштирилган. Аммо, асосий диққат пахта ва буғдойга қаратилгани боис, соёа ҳажми катта миқдорда бўлмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигида диверсификация қилишга бўлган эҳтиёж ортиб борди. Бу жараёнда соёа стратегик экинлардан бирига айланди. Давлат қўллаб-қувватлови ва халқаро ташкилотлар ёрдамида

соя етиштиришнинг замонавий технологиялари, чидамли навлар ва суғориш тизимлари жорий этилди.

2020-йиллардан бошлаб, соя етиштириш ҳажми ортиб бормоқда, айниқса, Сирдарё вилояти бу борада етакчилик қилади. Ўзбекистонда сояни озуқа, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, саноат эҳтиёжлари учун ишлатиш имкониятлари кенгаймоқда.

Келгусида соя етиштиришни янада кенгайтириш учун инновацион технологиялардан фойдаланиш, чидамли навларни етиштириш, ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ҳукумат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда соя етиштиришни ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. 2017 йилдаги Президент қарорига мувофиқ, 2017-2021 йиллар давомида соя етиштириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича чоралар белгиланди. Бу қарорнинг асосий мақсади, соядан олинган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини ошириш, аҳолини соя ёғи билан таъминлаш, шунингдек, чорвачилик учун озуқабоп ёғ маҳсулотлари етиштиришни кучайтиришдан иборат эди. Шунингдек, давлат соянинг қайта ишланиши ва ундан мой ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратган. 2020-2030 йиллар учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси доирасида эса соя етиштиришда замонавий агротехнологиялардан фойдаланиш, сув тежаш технологияларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш ва инвесторлар учун кўпроқ жозибадорлик яратишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Бу қарорлар Ўзбекистонда соя етиштириш ҳажмини ошириш ва маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда соя етиштиришни ривожлантириш доирасида бир қатор маҳаллий ва хорижий навлар синовдан ўтказилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда соянинг 24 нави етиштирилади. “Барака”, “Ойжамол” “Ҳосилдор”, “Устоз”, “Парвоз”, “Тўмарис-М60” каби маҳаллий навлар

кўплаб жойларда экилади. Ҳосилдорлик ва уруғ сифати бўйича маҳаллий ва хорижий навлар ўртасида фарқлар кузатилган, шу жумладан, айрим хорижий навлар маҳаллий шароитларга яхши мослашган.

Ўзбекистан Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2023-йил ҳосили учун фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 102,7 минг гектар майдонга соя экилган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 27 фоизга кўпдир. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг прогнозларига кўра, жорий йилда соя ҳосили 142,7 минг тоннани ташкил этади. Бу ҳажмдан 24 минг тонна соя ёғи ва 107 минг тонна ловия шротини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Ўзбекистонда соя кузги дондан кейин ҳам асосий, ҳам иккиламчи экин сифатида етиштирилади. 2022-йилда Ўзбекистонда соянинг асосий майдонларида 80,4 минг гектар майдонга экилган. Бир йил аввал қарийб 60 минг гектар майдонга соя экилган бўлса, 2021 йилда ялпи ҳосил 66 минг тоннани ташкил этиб, шундан 59 минг тоннаси қайта ишланди. Бу ҳажмдан 11 минг тонна соя ёғи ва 45 минг тонна штори етиштирилди.

Ўзбекистон Қозоғистон соясини харид қилиш бўйича биринчи ўринда туради. Шундай қилиб, расмий статистик маълумотларга кўра, 2022-2023 йилнинг 9 ойи давомида Қозоғистон Ўзбекистон Республикасига 27,44 минг тонна соя, шунингдек, 1,65 минг тонна соя ёғи ва 4,35 минг тонна соя ёрмаси экспорт қилган. Ўтган мавсумнинг шу даврида Ўзбекистон Қозоғистондан 13,9 минг тонна соя, 2,28 минг тонна соя ёғи ва 1,73 минг тонна соя уни импорт қилди.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилса соя етиштириш тез суратда ўсаётганини кўрса бўлади. ФАО маълумотиغا кўра 2022 йилда соя етиштириш бўйича мамлакатлар ичида 56- ўринни эгаллаган эди. Соя етиштириш ва ундан маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш мамлакатимизни янада юқори ўринларга чиқишига замин бўлади.

Адабиётлар рўйхати.

- 1.Петибская, В. С. (2012). Соя: химический состав и использование.
- 2.Абдуллаева, Г. Д. (2022). СОЯ ЎСИМЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИ. *Экономика и социум*, (5-2 (92)), 332-335.
- 3.Салиева, Р. З., & Расулов, У. Ш. (2019). СОЯНИНГ ФОЙДАЛИ ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРИ. *Вестник науки*, 3(12 (21)), 210-215.
- 4.<https://www.fao.org/home/ru>
- 5.<https://www.тридге.ком/интеллигенсес/сойбеан/УЗ/продустион>